

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта макеус таълим вазирлиги

*60411300 – Бизнесни бошқариши бакалавриат таълим йўналишининг  
малака талаблари*

Тошкент-2021



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 202\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ - сонли буйруги билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишиладир.

## МУНДАРИЖА

<b>Т/р</b>	<b>бет</b>
1. <i>60411300 – Бизнесни бошқарии бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i>	4
1.1. Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1. <i>60411300 – Бизнесни бошқарии таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши</i>	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2. <i>60411300 – Бизнесни бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>	4
1.2.1. <i>60411300 – Бизнесни бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i>	4
1.2.2. <i>60411300 – Бизнесни бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари</i>	4
1.2.3. <i>60411300 – Бизнесни бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	5
1.2.4. <i>60411300 – Бизнесни бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i>	5
2. <i>60411300 – Бизнесни бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	7
2.1. Умумий компетенциялар	7
2.2. Касбий компетенциялар	7
Библиографик маълумотлар	8
Керишув вараги	9

## **1. 60411300 – Бизнесни бошқарии бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60411300 – Бизнесни бошқарии** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Кўлланиши соҳаси**

#### **1.1.1. 60411300 – Бизнесни бошқарии таълим йўналиши Малака талабининг кўлланиши**

Малака талаби *60411200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурларини ишлаб чикиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва ўкув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошка манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60411300 – Бизнесни бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

##### **1.2.1. 60411300 – Бизнесни бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятиниң соҳалари.**

**60411300 – Бизнесни бошқарии** бакалавриат таълим йўналиши – фан, ишлаб чикариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, хўжалик жамиятларида бошқарувни ташкил этиш, бизнесни бошқаришнинг вазифалари, тамоиллари ва ижтимоий-иктисодий моҳиятини, бизнесни бошқаришнинг ташкилий тизими хусусиятларини, компаниялар фаолиятини самарали ташкил қилинда корпоратив бошқарувнинг роли ва мулкдорларнинг хукукини химоялашни, ракобат воситалари ёрдамида корпорация инвестиция жозибадорлигини ошириш, иктисодиётни модернизациялаш шароитида бизнесни бошқариш моделларини, корпорацияларни бошқарув органлари билан муносабатларидаги муаммоларини комплекс ечиш масалаларини камраб олади.

##### **1.2.2. 60411300 – Бизнесни бошқарии таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятиниң объектлари:**

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар ( фирмалар), ишлаб чикариш бирлашмалари ва бошқалар;
- иктисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар

самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;

- давлат ва маҳаллий бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари;
- ташкилот ва корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш жараёнлари;
- акциядорлик жамиятлари фаолиятини ташкил этиш, корпоратив бошқарувнинг ташкилий шакллари ва замонавий услубларини жорий килиш;
- корхоналарнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, корпоратив муносабатларни тартибга солиш;
- самарали дивиденд сиёсатини юритиш, хужалик жамиятларидаги инновациявий жараёнларни бошқариш, корпоратив тузилмалардаги корпоратив муносабатлар.

*60411300 – Бизнесни бошқарши таълим йўналиши бўйича бакалавриат битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аникланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғуланиш хукукига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.*

#### **1.2.3. *60411300 – Бизнесни бошқарши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:***

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқарши ва хизмат кўрсатиш;
- молиявий-иктисодий фаолият;
- ахборот-таҳсилӣ фаолият;
- ҳисоб, таҳсил ва назорат фаолияти;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

#### **1.2.4. *60411300 – Бизнесни бошқарши таълим йўналиши бўйича бакалаврларининг касбий вазифалари.***

*60411300 – Бизнесни бошқарши таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофик бакалавриат битирувчиси кўйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:*

##### **Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- бизнес муносабатларни ташкил килиш ва мувофикаштириш;
- инвестиция активларини жалб этиш, режалаштириш, лойихалаш ва ташкил этиш;
- бизнесни бошқариш органларига мукофотлар тўловини ташкил этиш ва тартибга солиш;
- активлардан самарали фойдаланишни назорат қилиш;
- миноритар акциядорлар хукукларини химоялаш тизимини ташкил этиш;
- бошқарув қарорларини кабул қилиш;
- иктисодиёт тармоги ва хўжалик жамиятлари ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бизнесни бошқаришнинг манфаатдор томонлар манфаатларига мослигини мониторинг қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизmlарини қўллаш, инвестицийон лойихаларни ишлаб чикиш ва бошқариш.

### **Молиявий-иктисодий фаолиятда:**

- бизнесни бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари хамда меъёрий-хукукий хужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- кимматли қоғозлар бозорида инвестицион активлар бўйича тадқиқотларни ўтказиш;
- хўжалик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни хисоблаш усулларини куллаш;
- хўжалик жамиятларида дивиденд сиёсатини кўллаш;
- хўжалик жамиятларининг ички ва ташки аудит фаолият йўналишларини белгилаш;
- хўжалик жамиятларининг рейтинг кўрсаткичлари ва молиявий баркарорлигини ошириш хамда уларни ривожлантириш йўлларини ишлаб чикиш.

### **Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- бошқарув карорларини қабул килиш учун ташкилотнинг ташки аудити мухити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил килиш;
- қарор қабул килиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички хужжат айланиши тизимини ишлаб чикиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турии кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойихалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича хисобот тайёрлаш;
- бошқарув карорларининг самарадорлигини баҳолаш.

### **Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- бизнесни бошқариш соҳасидаги маълумотларни йигиш, қайта ишлаш, таҳлил килиш усулларини билиш;
- иктиносидаги маълумотларни таҳлил килиш ва умумлаштириш;
- хўжалик жамиятлар фаолиятини мулкчилик шаклидан катъий назар ҳалқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил килиш;
- молиявий ва мулкчилик кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил килиш;
- молиявий ва статистик хисоботларни тузиш хамда уларни шархлаш;
- таҳлилий масалаларни ҳал килишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш.

### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоклар ва соҳаларни корпоратив бошқарув усуслари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни корпоратив бошқарув тизимини таъминлашга багишлиган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуклари, маҳсус адабиётлар ва бошка илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- тармоклар ва соҳаларни корпоратив бошқарув тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иктиносидаги ахборотларни йигиш, қайта ишлаш, таҳлил килиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуклар ҳақидаги маълумотларни максадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишларини татбик этиш.

### **Тадбиркорлик фаолиятида:**

- акциядорлик жамиятлари фаолиятида янги бизнес-loyihalarни шакллантириш ва амалга ошириш;
- акциядорлик жамиятларида бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш.

## **2. 60411300 – Бизнесни бошқарши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил кила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар мөхиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши хамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йигиш, саклаш, кайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустакил асосланган карорлар қабул кила олиш;
- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил кила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал килиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-хукукий хужжатларни излаш, таҳлил килиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алокаларни амалга оширишни билиш;
- бизнесни бошқариш ахборот тизимларини, молиявий-иктисодий таҳлил ва молиявий хисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;
- стратегик ва операцион бошқарув вазифаларини, ишни ташкил килиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- стратегик таҳлил килиш, ракобатдошликни таъминлашга каратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чикиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- активларни баҳолаш, айланма маблагларни бошқариш, дивиденд сиёсати ва капитал тузилмасини шакллантиришда молиявий бошқарувнинг асосий усулларини қўллай билиш;
- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш хамда бошқариш, ижроилар фаолиятини мувофикаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- макроиктисодий мухитни, бозор ва унга хос хатарларни, ракобат мухитини таҳлил килиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- бошқарув карорларини қабул килишда, уларни аник бошқарув вазифаларига мослаштириш орқали иктисодий, молиявий ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил килиш кўникмаларига эга бўлиш;
- бизнес жараёнларини моделлаштириш, бизнес юритишнинг иктисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таяинч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, укиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоклар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустакил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқикот жараёни.

**КЕЛИШУВ ВАРАГИ**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор  К. Шарипов

202 йил « \_\_\_\_ »



**КЕЛИШИЛДИ:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хуузидаги Олий таълимимини  
риюж-шарқий тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор  М. Эсанов

202 йил « \_\_\_\_ »




СамДУ Каттақўргон филиали

директори  Ш. Ураков

202 йил « \_\_\_\_ »




“Tashish gravy” MCH J

Директор  Д. Аслонов

202 йил « \_\_\_\_ »



“IRODA Aziza NIA” MCH J

директори  А. Аслонов

